

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИ-
ДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НАМАЗОВА НИЛУФАР ТАХИРОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШИ ХАВФИНИ ЭРТА
АНИҚЛАШДА УЛЬТРАТОВУШ ДИАГНОСТИКАСИНИНГ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.19- Клиник радиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Намазова Нилуфар Тахировна

Прееклампсия ривожланиши хавфини

эрта аниқлашда ультратовуш диагностикасининг

имкониятлари 3

Намазова Нилуфар Тахировна

Возможности ультразвуковой диагностики

в раннем выявлении риска развития преэклампсии 31

Namazova Nilyufar Takhirova

Possibilities of ultrasound diagnostics in early detection

of the risk of the risk of developing preeclampsia 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 62

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИ-
ДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НАМАЗОВА НИЛУФАР ТАХИРОВНА

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ РИВОЖЛАНИШИ ХАВФИНИ ЭРТА
АНИҚЛАШДА УЛЬТРАТОВУШ ДИАГНОСТИКАСИНИНГ
ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.19- Клиник радиология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2128 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камалидинова Шахноза Махмудхановна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Муминова Нигора Хайритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Юсупалиева Гулнора Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____да куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра преэклампсия (ПЭ) ҳомиладорликнинг энг оғир асоратларидан бири бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда (2,8%) унинг тарқалиши ривожланган мамлакатларга (0,4%) нисбатан 7 баравар юқоридир. Ушбу касаллик дунё бўйлаб оналар касаллиги ва ўлимининг учта асосий сабабларидан биридир. ПЭни эрта аниқлашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, улардан энг замонавийси қон томирларини доплер хариталаш ва саломатликни пульсация индексига асосланиб, аниқлашни ўз ичига олувчи ультратовуш ташхисоти ҳисобланади. Ҳомила ва она гемодинамикасидаги ўзгаришларни ташхислаш салбий оқибатларнинг ўз вақтида олдини олиш имконини беради. Бу борада «...қон томир тромбози, васкулит ва плацента инфарктлари ривожланиши туфайли юзага келадиган утероплацентар, фетоплацентар қон оқимининг бузилиши, ўз навбатида, ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида беихтиёр бола тушиши, ҳомила ўсишининг кечикиши (ХЎК), плацента ажралиши ва преэклампсия (ПЭ) га сабаб бўлади....»¹. Шуни таъкидлаш лозимки, патологик ҳолатлар ривожланишига она ва ҳомила гемодинамика фаолиятидаги ўзгаришлар сабаб бўлиши, ўз навбатида, ушбу тизимдаги ҳолатларни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда преэклампсиянинг олдини олиш бўйича профилактик ва терапевтик ташхислаш тадбирларини такомиллаштириш учун бир қатор мақсадли, жумладан, пренатал ташхисотини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Преэклампсияни эрта ташхислаш ва унинг олдини олиш оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, туғиш ва соғлом авлодни тарбиялаш каби устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилган асосий вазифалардан биридир. Ҳомиладорликнинг илк даврида ПЭни эрта ташхислаш ва башорат қилиш дастурларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш, ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, қатор ҳомиладорлик асоратларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етгита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали

¹Costa SL, Proctor L, Dodd JM, Toal M, Okun N, Johnson JA et al. Screening for placental insufficiency in high-risk pregnancies: is earlier better. *Placenta*. 2018; 29(12): 34-40

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ташхисотининг имкониятларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2018–2022 йилларда Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги 216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Англия, Германия, Испания, Австрия, Швейцария ва бошқа мамлакатларда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида ҳар қандай плацента етишмовчилигининг асосий сабаби утероплацентар қон айланишининг бузилиши эканлиги аниқланди. Плацентанинг шаклланишида ва бирламчи плацента етишмовчилигининг пайдо бўлишида бачадон томирлари тармоғининг тузилиши ва ривожланиш даражаси, ривожланиш нуқсонлари, бачадон миоматоз тугунлари, шунингдек, плацента гормонларининг етишмаслиги катта аҳамиятга эга (Jaimie E. Wardinger, Shashikanth Ambati, 2020). Преэклампсия ривожланиши хавфини аниқлаш учун плацента етишмовчилиги туфайли тез-тез учрайдиган ва ҳомила ўсишининг секинлашишига олиб келадиган биринчи триместрдаги скрининг пайтида трофобласт томонидан ишлаб чиқарилган оксиллар аниқланади, масалан, PAPP-A, қонда PAPP-A концентрациясининг пасайиши ҳомиладорликнинг 11-14-ҳафтасида плацента етишмовчилиги хавфи юқори бўлган ва ҳомила ўсиши секинлашган ҳомиладор аёлларда учрайди. Плацента етишмовчилиги хавфини баҳолашга ёрдам берадиган иккинчи плацента гормони PLGF (плацента ўсиш омили) бўлиб, унинг қондаги концентрацияси плацента етишмовчилигининг биринчи белгилари намоён

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

бўлишидан анча олдин камаяди. Учинчи гормон ИХГ бўлиб, у эмбрион имплантациясидан кейин хорион тўқималари томонидан ишлаб чиқарила бошлайди ва тухум уруғлантирилгандан кейинги 6-8 чи кунларда ҳомиладорликнинг мавжудлиги ва муваффақиятли ривожланишининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Биринчи триместрда преэклампсия ривожланиши хавфини аниқлаш скрининги пайтида бачадон артерияларида қон оқими ўлчанади (Alan Wright, David Wright, et al., 2018). Шу билан бирга, анъанавий икки ўлчовли эхографияга қараганда рангли доплерография, уч ўлчовли эхография замонавий технологияларининг ривожланиши она-плацента-ҳомила тизимидаги қон оқимининг ҳолатини баҳолашда янги имкониятларни очади ва ҳомиладаги турли хил нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш, утероплацентар қон оқими етишмовчилигини ташхислаш, ТРН ни аниқлаш имконини беради. (М.В. Медведев, 2017; Н.А. Алтынник, 2021; А. Wright, 2018; S. Nishimoto, 2019).

Ўзбекистонда ҳомиладорликнинг кечишидаги нуқсонлар ва асоратларини олини олиш, самарали ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда (Д.Қ. Нажмутдинова, 2022, 2023; М.Х. Ходжибеков, 2021; 2022; Г.А. Юсупалиева, 2021; 2024), бироқ, преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ташхисотининг имкониятларини такомиллаштирилмаган.

Жаҳон амалиётида ПЭ нинг ривожланиш хавфини комплекс ўз вақтида ташхислаш учун бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хавфсизлик ва юқори сезувчанликка қаратилган ҳомиладорлик тадқиқотлари учун янги технологияларни жорий этиш давом этмоқда. Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳомиладор аёлларнинг скрининг текширувлари натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чоралар кўрилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, ПЭ, ҳомилалик малформацциялар ва хромосома аномалиялари ривожланиш хавфини ташхислаш сифатини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш учун илмий асосланган натижалар талаб қилинади, ультратовуш ва биокимёвий скринингнинг янги усуллари самарадорлигини баҳолаш, ПЭ ривожланиш хавфини ташхислашнинг аниқлигини ошириш учун асосий фетометрик ва доплерометрик кўрсаткичларнинг худудий стандартларидан фойдаланиш керак бўлади. Худудий доплерометрик, биокимёвий ва ультратовуш белгиларини ҳисобга олган ҳолда ультратовуш диагностикасининг замонавий усуллари, биокимёвий тадқиқот усуллари комплекс қўллаш билан преэклампсия учун хавф гуруҳини аниқлаш самарадорлигини ўрганиш зарурдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистоннинг минтақавий хусусиятларини инобатга олган ҳолда оналар ва

болалар саломатлигини муҳофиза қилишнинг янги технологиялари» (2018–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биофизик, ультратовуш ва биокимёвий маркерлардан фойдаланган ҳолда преэклампсия ривожланиши хавфининг эрта пренатал диагностикасини такомиллаштиришдан иборат .

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадон артериялари пульсация индекси (БАПИ) гемодинамик кўрсаткичларининг қиёсий тавсифини ўрганиш ҳамда ҳомиладорликнинг 11+0 дан 34+6 ҳафтасигача бўлган регионал нормативларни ишлаб чиқиш;

преэклампсия ривожланиши хавфини ўрганиш мақсадида ҳомиладор аёлларнинг биофизик параметрларини баҳолаш;

ҳомиладорликнинг биринчи, иккинчи ва учинчи триместрида преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ва биохимик предикаторларини танлаш;

преэклампсия ривожланиш хавфининг эрта перинатал ташхислаш алгоритмининг такомиллаштириш ва асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида преэклампсия ривожланиши хавфи қонуниятларини ўрганиш мақсадида Республика «Она ва бола скрининги маркази»га ҳомиладорликнинг 11 чидан 40-ҳафтасига қадар маслаҳат учун келган 472 нафар ҳомиладор аёлни комплекс динамик текшириш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш режалаштирилди ва амалга оширилди. Барча текширилганлардан 365 нафар (85,8%) аёлда ҳомиладорлик физиологик равишда кечмоқда (ПЭ - КГ хавфи паст), 107 (14,2%) нафар аёлда преэклампсиянинг ривожланиши хавфи юқори (асосий гуруҳ 1– ОХ), улардан 68 нафарида преэклампсия кузатилган.

Тадқиқотнинг предметини ҳомиладорлиги I, II, III триместрдаги аёллар ҳамда периферик қон, PAPP-A, PLGF ва β -ИХГ, ҳомиладорлар артериал босимини баҳолаш материаллари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ташхисотининг имкониятларини баҳолашда инструментал, биометрик, фетометрик, доплерометрик, биокимёвий ва ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

преэклампсиянинг ривожланиши хавфини ҳисоблаш бўйича дастурга киритилган 11+0 дан 34+6 гача бўлган ҳомиладорлик ҳафталаридаги аёлларда бачадон артерияси пульсация индексининг эрта перинатал диагностикасига мос қийматлари ишлаб чиқилган;

дастлабки эхографик, биофизик ва биохимик параметрларни ҳисобга олган ҳолда пренатал скринингни ўтказиш усулини танлашда преэклампсия ривожланиши хавфини ташхислашнинг верификацияси неонатал ва оналар касалланишини камайтириши такомиллаштирилган;

ҳар бир триместрда ҳомиладорларда преэклампсия ривожланишининг гемодинамик (бачадон артерияси пульсацион индекси-БАПИ), биокимёвий (PAPP-A, PLGF, AFP ва ИХГ) ва биофизик (АБ кўрсаткичлари) предикаторлари белгиланган;

бачадон артерияси пульсация индексининг соҳавий мос қайдлар қийматларини ҳисобга олган ҳолда преэклампсия хавфини эрта ташхислаш предикторларининг ўрни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликнинг биринчи триместридаги ҳомиладор аёлларда бачадон артерияларининг ПИ учун худудий меъёрларидан фойдаланиш преэклампсия хавфини ўз вақтида аниқлаш имконига асосланган;

ПИ МА гемодинамик кўрсаткичларни, меъёрий қийматларни ўрнатиш ва биокимёвий параметрларни (PAPP-A, PLGF ва β -ИХГ) тақсимлашни аниқлаш структураси самарадорлиги баҳоланган;

дастлабки эхографик, биофизик ва биокимёвий параметрларни ҳисобга олган ҳолда перинатал скрининг усулини танлаш имконини берувчи преэклампсия хавфининг ташхислаш верификацияси оптималлаштирилган ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган аёллар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи инструментал, биометрия, фетометрия, доплерометрия, биокимёвий ва ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ташхисотининг имкониятларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладорликнинг скрининг ультратовуш текширувларида эхографик ва биохимик маркерларни баҳолашга стандартлаштирилган такомиллаштирилган ёндашувни амалга ошириш ПЭ ривожланиши учун хавф юқори бўлган гуруҳни аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган услубий ёндашувлар ПЭ ривожланиши хавфининг эрта перинатал ташхислаш самарадорлигини ошириш имконини яратиши билан изоҳланади. АД+ПИ МА +PAPP-A+ AFP+PLGF+ИХГ ҳисобга олинган алгоритм самарадорликни 91,6% гача ошириши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

биринчи илмий янгиликнинг моҳияти: ПЭ нинг ривожланиши хавфини ҳисоблаш бўйича дастурга киритилган 11+0дан 34+6 гача бўлган ҳомиладорлик ҳафталаридаги аёлларда бачадон артерияси пульсация индексининг эрта перинатал ташхислашга мос қийматлари ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Допплер кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган худудий стандартлардан, хусусан, бачадон артерияларининг пулсацияланиш индексининг кўрсаткичларидан тизимли

фойдаланиш преэклампсия ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Хоразм вилояти «Она ва бола скрининг» марказининг 25.04.2022 йилдаги 23-к-сонли бўйруғи ва Самарканда вилоят «Она ва бола скрининг» марказининг 05.04.2022 йилдаги 28-сонли бўйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ҳомиладорликнинг скрининг ультратовуш текшируви пайтида эхографик кўрсаткичларни баҳолашга стандартлаштирилган, такомиллаштирилган ёндашувни жорий этиш ПЭ ривожланиши учун юқори хавф гуруҳини аниқлаш имконини беради; олинган маълумотлар ультратовуш диагностикаси бўлими, айниқса, преэклампсия ривожланиши хавфини эрта пренатал диагностика қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: бачадон артерияси пульсация индексининг тавсия этилган ҳудудий мос қийматларини ҳомиладорлиги 11+0 ҳафтадан 34+6 ҳафтагача бўлган аёлларда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги 1 та ҳомиладор аёлга 1 599 330 сўмни ташкил этади. Кузатувдаги 107 нафар бемор бўйича жами харажатлар камайтирилиб, 171 128 310 сўм тежаб қолинган.

Хулоса: ПЭ нинг ривожланиши хавфини ҳисоблаш бўйича дастурга киритилган ҳомиладорлиги 11+0 ҳафтадан 34+6 ҳафтагача бўлган аёлларда бачадон артерияси пульсация индекси мос қийматлари бўйича ишлаб чиқилган ёндашувни жорий этиш бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 нафар ҳомиладор аёл учун 1599330 сўмга тежаш имконини беради.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ҳомиладорларнинг ультратовуш ва биокимёвий скрининги» (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармасининг 2022 йил 18 майдаги 236-сонли маълумотномаси ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт комиссиясининг 2023 йил 26 декабрдаги 22/23-сон хулосаси) номли методик тавсиялар асосида соғлиқни сақлаш тизими даволаш муассасаларида жорий этилган.

Иккинчи илмий янгиликнинг моҳияти: дастлабки эхографик, биофизик ва биохимик параметрларни ҳисобга олган ҳолда пренатал скринингни ўтказиш усулини танлашда преэклампсия ривожланиши хавфини ташхислашнинг верификацияси неонатал ва оналар касалланишини камайтириши такомиллаштирилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ушбу усулларни қўллаш бўйича олиб борилган илмий ишлар натижалари биофизик, ультратовуш ва биокимёвий белгиларни қўллаш орқали преэклампсия ривожланиш хавфини диагностика қилиш имкониятларини кенгайтириши, шунингдек, ҳомиладорликни физиологик бошқариш масаласини ҳал қилиш ва шу билан ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Хоразм вилояти «Она ва бола скрининг» марказининг 25.04.2022 йилдаги 23-к-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят «Она ва бола скрининг» марказининг 05.04.2022 йилдаги 28-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: преэклампсия ривожланиш хавфини эрта ташхислаш ва унинг олдини олиш, касаллик ва туғруқдан кейинги асоратларни ўз вақтида даволаш ҳамда неонатал ва оналар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш; ҳомиладорликнинг физиологик кечишини яхшилаш орқали ҳомиладор аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ҳомиладор аёлларда преэклампсиянинг эрта прогноз қилувчи омилларини ва ушбу касалликнинг ривожланишида хавф гуруҳини аниқлаш, ўз навбатида, ташхислаш вақтини қисқартириш ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,8 баравар камайтиришга олиб келади ва ҳар бир бемор учун 1 834 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. Кузатувдаги 68 нафар ҳомиладор аёлнинг ПЭ ривожланиши туфайли барча харажатларни камайтириш ҳисобига 124 712 000 сўм жамғарма маблағлари тежалган.

Хулоса: натижаларнинг жорий қилиниши преэклампсияли беморларни ўз вақтида аниқлаш, профилактика ва даволашни ўз вақтида ўтказиш, бу билан неонатал ва оналар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш, ҳомиладор аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. Агар иқтисодий харажатларни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳисобига 2.8 баравар камайтириш ҳолатлари ҳисобга олинса, у ҳолда ишлаб чиқилган ёндашувнинг иқтисодий самарадорлиги 1 та ҳомиладор аёлга 1 834 000 сўмни ташкил этган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ҳомиладорларнинг ультратовуш ва биокимёвий скрининги» (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармасининг 2022 йил 18 майдаги 236-сонли маълумотномаси ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт комиссиясининг 2023 йил 26 декабрдаги 22/23-сон хулосаси) номли методик тавсиялар асосида соғлиқни сақлаш тизими даволаш муассасаларида жорий этилган.

учинчи илмий янгиликнинг моҳияти: ҳар бир триместрда ҳомиладорларда преэклампсия ривожланишининг гемодинамик (бачадон артерияси пульсацион индекси-ПИ), биохимик (РАРР-А, РLGF, АFР ва ХГЧ) ва биофизик (АД кўрсаткичлари) предикаторлари белгиланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: пренатал диагностика тактикаси ва ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ПЭ ривожланишини башорат қилиш такомиллаштирилди ва ҳомиладорликни келгусида кузатиш масаласи ҳал қилинди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Хоразм вилояти «Она ва бола скрининг» марказининг 25.04.2022 йилдаги 23-к-сонли бўйруғи ва Самарқанда вилоят «Она ва бола скрининг» марказининг 05.04.2022 йилдаги 28-сонли бўйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: скрининг комплексига эрта ҳомиладорлик даврида ПЭ ривожланиши хавфини прогноз қилувчи омилларни киритиш ҳомиладорликнинг эрта даврида преэклампсияни башорат қилиш самарадорлигини оширади; бачадон артерияси пульсацион индексининг қайд этилган предикаторлари ва ишлаб чиқилган преэклампсия ривожланиши хавфини ҳисобга олишнинг комбинацияланган скрининги алгоритми: 90,3% - диагностик ўзига хос, 94,3% - диагностик таъсирчан, уларнинг диагностик самарадорлиги 91,6%ни ташкил этади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш самарасини ошириш ва преэклампсия хавфининг олдини олиш, касалланиш ва туғруқдан кейинги асоратларни камайтириш, неонатал ҳамда оналар касалланиши ва ўлимни камайтиришдан иборат. Хавф гуруҳини аниқлаш, ўз навбатида, диагностика вақтини қисқартириш ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,8 баробарга камайтиришга олиб келади ва ҳар бир ҳомиладор аёл учун 1 834 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришишга имкон беради. Преэклампсия ривожланиши хавфи юқори бўлган кузатувдаги 107 нафар беморнинг жами харажатларини камайтириш ҳисобига 196 238 000 сўм жамғарма маблағлари тежалган.

Хулоса: тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши преэклампсияли беморларни ўз вақтида аниқлаш, профилактика ва даволашни ўз вақтида ўтказиш, бу билан неонатал ва оналар касалланиши ҳамда ўлимни камайтириш, ҳомиладор аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. Агар иқтисодий харажатларни ташхислаш муддатини қисқартириш ҳисобига 2.8 баравар камайтириш ҳолатлари ҳисобга олинса, у ҳолда ишлаб чиқилган ёндашувнинг иқтисодий самарадорлиги 1 та ҳомиладор аёлга 1 834 000 сўмни ташкил этди

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Ҳомиладорларнинг ультратовуш ва биокимёвий скрининги» (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармасининг 2022 йил 18 майдаги 236-сонли маълумотномаси ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт комиссиясининг 2023 йил 26 декабрдаги 22/23-сон хулосаси) номли методик тавсиялар асосида соғлиқни сақлаш тизими даволаш муассасаларида жорий этилган.

тўртинчи илмий янгиликнинг моҳияти: бачадон артерияси пульсация индексининг минтақавий мос қайдлар қийматларини ҳисобга олган ҳолда преэклампсия хавфини эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: тиббиётда улкан илмий ва амалий қизиқишни намоён этувчи бачадон артерияси пульсацион индекси ультратовуш тавсифини ҳисобга олган ҳолда ПЭни эрта ташхислаш ҳақидаги назарий ва клиник тасаввурлар кенгайтирилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Хоразм вилояти «Она ва бола скрининг» марказининг 25.04.2022 йилдаги 23-к-сонли буйруғи ва Самарқанд вилояти «Она ва бола скрининг» марказининг 05.04.2022 йилдаги 28-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: скрининг комплексига эрта ҳомиладорлик даврида ПЭ ривожланиши хавфини прогноз қилувчи омилларни киритиш ҳомиладорликнинг эрта даврида преэклампсияни башорат қилиш самарадорлигини оширади; бачадон артерияси пульсацион индексининг қайд этилган предикаторлари ва ишлаб чиқилган преэклампсия ривожланиши хавфини ҳисобга олишнинг комбинацияланган скрининги алгоритми: 90,3% - диагностик ўзига хос, 94,3% - диагностик таъсирчан, уларнинг диагностик самарадорлиги 91,6%ни ташкил этади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида даволаш самарасини ошириш ва преэклампсия хавфининг олдини олиш, касалланиш ва туғруқдан кейинги асоратларни камайтириш, неонатал ва оналар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш. Хавф гуруҳини аниқлаш, ўз навбатида, диагностика вақтини қисқартириш ҳисобига иқтисодий харажатларни 2,8 баробарга камайтиришга олиб келади ва хар бир ҳомиладор учун 1 834 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришишга имкон беради. Преэклампсия ривожланиши хавфи юқори бўлган кузатилган 107 нафар беморнинг жами харажатларини камайтириш ҳисобига 196 238 000 сўм жамғарма маблағлари тежалган.

Хулоса: тадқиқотнинг информативлигини ошириш ва натижалар интерпретациясида хатоларни камайтириш учун ишлаб чиқилган алгоритм ва ҳомиладорликнинг эрта даврида ПЭ ривожланиши хавфини ҳисобга олиш моделига амал қилиш лозим. Олинган маълумотларга мувофиқ, ишлаб чиқилган ёндашувнинг жорий этилиши 1 834 000 сўм миқдордаги иқтисодий самарадорликни берди. Умумий харажатлар иқтисоди 196 238 000 сўмни ташкил этди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: илмий инновациялар натижалари «Ҳомиладорларнинг ультратовуш ва биокимёвий скрининги» (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва таълим бошқармасининг 2022 йил 18 майдаги 236-сонли маълумотномаси ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази эксперт комиссиясининг 2023 йил 26 декабрдаги 22/23-сон хулосаси) номли методик тавсиялар асосида соғлиқни сақлаш тизими даволаш муассасаларида жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг **«Презклампися ривожланиши хавфини ташхислашнинг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида эпидемиология, этиология ва патогенез ҳақидаги замонавий ғоялар, шунингдек, презклампися ривожланиши хавфини эрта ташхислашнинг замонавий ёндашувлари таҳлил қилинган, хорижий ва маҳаллий адабиётлардан олинган маълумотлар келтирилган. Таҳлил натижалари тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ҳамда вазифаларини исботлади. Ушбу бобнинг якунида эрта ташхис қўйиш ва комбинацияланган скрининг ёрдамида ҳомиладор аёлларни текширишни такомиллаштиришнинг долзарблиги қайд этилган.

Диссертациянинг **«Презклампися ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ташхисотининг имкониятларини баҳолашнинг клиник материалларининг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган ва презклампися ривожланиши хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг тавсифи баён этилган. Комплекс тадқиқот – замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда клиник ва лаборатор тадқиқот натижалари келтирилган. Ушбу бобда ўрганилган беморларнинг умумий хусусиятлари, шунингдек, тадқиқотда қўлланилувчи усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ушбу тадқиқот комбинациялашган скрининг усулига асосланган бўлиб, 2016 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда Республика «Она ва бола

скрининги» марказида 472 нафар ҳомиладор аёл УТТ ва биокимёвий таҳлил текширувидан ўтказилган. Уларнинг 365 нафари, яъни 77,3%ида ҳомиладорлик (оптимал) меъёрида кечган (ПЕ-КГ хавфи паст), 107 (22,6%) нафари преэклампсия (асосий гуруҳ 1 – ОГ1) ривожланиши хавфи юқори бўлган гуруҳ, улардан 68 нафар (14,4%) да эса, ҳомиладорлик даврида ПЭ ривожланиши билан оғирлашган (асосий гуруҳ 2 – ОГ2).

Ушбу ишда комплекс клиник-функционал, ультратовуш, лаборатор текширувлари амалга оширилди, жами 2832 та тадқиқот ўтказилган, ҳомиладор аёллар беш марта ультратовуш ва 1 марта биокимёвий скринингдан ўтдилар: 2700 та фетометрик ва доплерометрик ҳамда 472 та биокимёвий текширувлар ўтказилган. 1-жадвалда кузатув гуруҳларидаги ҳомиладор аёлларда ўтказилган текширувлар сони ва усуллари кўрсатилган.

1-жадвал

Кузатув гуруҳларининг сони ва ўрганиш усуллари

Тадқиқот гуруҳлари	Ультратовуш текширувлар		Биокимёвий текширувлар		Жами	
	Сони	%	сони	%	сони	%
Меъёр	1825	67,59	365	77,33	2190	69,04
ОГ2	340	12,59	68	14,40	408	12,86
ОГ1	535	19,81	39	8,26	574	18,09
жами	2700	100	472	100	3172	100

Барча ҳомиладор аёллар комбинацияланган ультратовуш ва биокимёвий текширувдан ўтдилар, қон босими умумий қабул қилинган усул (FMF) бўйича иккала қўлда ўлчанди. Гуруҳга 18 ёшдан 42 ёшгача бўлган ҳомиладор аёллар кирди ва уларнинг ўртача ёши 27 ёшни ташкил этди.

2D ва Doppler режимларни ўз ичига олган Ҳомиладор аёлларнинг комплекс ультратовуш текшируви технологияси тасвирланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш тиббий статистиканинг стандарт усуллари ёрдамида амалга оширилди: миқдорий кўрсаткичлар учун - ўртача арифметик (M), ўртача (m) ва T-Стъюдент мезони хатоси билан, сифат кўрсаткичлари учун - Пирсоннинг хи-квадратик мезони ва Фишернинг аниқ мезони. Таққосланган субъектлар гуруҳлари ўртасидаги фарқлар $P < 0,05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг «Ҳомиладорликнинг физиологик жараёнида она-плацента-ҳомила тизимидаги пульсация индексининг биокимёвий қиймати ва гемодинамик параметрларини баҳолаш» номли учинчи бобида ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлларнинг комплекс ультратовуш (Б-тартиб, Doppler тартиблари (ЦДК, ЭДК ва спектрал Doppler) ва биокимёвий (PAPP-A, PLGF, β -ИХГ) текшируви натижалари келтирилган.

**Ҳомиладорлик физиологик кечишида резистентлик индекси ва
пульсация индексининг ўртача қийматлари**

Ҳомиладорлик даври ҳафталарда	ЎБА		ЧБА	
	ИР ўр.к.	ПИ ўр.к.	ИР ўр.к.	ПИ ўр.к.
15 ⁰ -15 ⁶	0,62±0,04	1,66±0,03	0,63±0,03	1,66±0,04
16 ⁰ -16 ⁶	0,57±0,03	1,62±0,04	0,57±0,05	1,62±0,05
17 ⁰ -17 ⁶	0,53±0,02	1,52±0,05	0,54±0,02	1,53±0,06
18 ⁰ -18 ⁶	0,51±0,03	1,50±0,04	0,53±0,04	1,47±0,06
19 ⁰ -19 ⁶	0,52±0,04	1,48±0,05	0,52±0,03	1,46±0,05
20 ⁰ -20 ⁶	0,51±0,05	1,48±0,03	0,52±0,03	1,46±0,05
21 ⁰ -21 ⁶	0,50±0,03	1,43±0,04	0,52±0,05	1,43±0,06
22 ⁰ -22 ⁶	0,50±0,01	1,36±0,04	0,51±0,04	1,38±0,03
23 ⁰ -23 ⁶	0,49±0,02	1,33±0,03	0,51±0,04	1,36±0,04
24 ⁰ -24 ⁶	0,48±0,02	1,26±0,05	0,5±0,05	1,25±0,06
25 ⁰ -25 ⁶	0,48±0,03	1,18±0,05	0,48±0,03	1,23±0,05
26 ⁰ -26 ⁶	0,47±0,02	1,17±0,04	0,47±0,04	1,15±0,03
27 ⁰ -27 ⁶	0,47±0,01	1,15±0,05	0,47±0,05	1,10±0,06
28 ⁰ -28 ⁶	0,46±0,02	1,08±0,06	0,46±0,03	1,08±0,05
29 ⁰ -29 ⁶	0,46±0,03	1,09±0,03	0,46±0,05	1,07±0,05
30 ⁰ -30 ⁶	0,45±0,04	1,07±0,05	0,45±0,04	1,05±0,04
31 ⁰ -31 ⁶	0,45±0,05	1,0±0,04	0,45±0,05	1,03±0,03
32 ⁰ -32 ⁶	0,44±0,04	0,97±0,01	0,45±0,04	0,99±0,05
33 ⁰ -33 ⁶	0,44±0,05	0,96±0,04	0,44±0,04	0,98±0,06
34 ⁰ -34 ⁶	0,43±0,03	0,95±0,04	0,44±0,05	0,96±0,05
35 ⁰ -35 ⁶	0,43±0,05	0,95±0,03	0,44±0,05	0,95±0,05
36 ⁰ -36 ⁶	0,43±0,04	0,89±0,03	0,43±0,04	0,91±0,04
37 ⁰ -37 ⁶	0,40±0,05	0,87±0,02	0,42±0,03	0,89±0,06
38 ⁰ -38 ⁶	0,38±0,06	0,86±0,02	0,4±0,05	0,89±0,04
39 ⁰ -39 ⁶	0,36±0,04	0,84±0,03	0,39±0,03	0,86±0,05
40 ⁰ -40 ⁶	0,36±0,03	0,77±0,04	0,37±0,05	0,83±0,06

Корреляцион таҳлил кўрсаткичлари бачадон артерияси ПИдаги ўзгаришларнинг ҳомиладорлик даври билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисида гапиришга имкон беради. (($r=-0,845$ и $r=-0,827$; $p<0,05$). Ҳомиладор аёлларни динамикада текшириш охириги ташрифдан икки ҳафта ўтгач амалга оширилиши керак.

Олинган маълумотлар натижасида гестация муддатининг 11^{+0} дан $34^{+0}-34^{+6}$ гача гестация ҳафтасида бачадон артерияси ПИнинг процентил қийматлари ишлаб чиқилди. Ҳомиладорликнинг бундай муддатлари танлашига сабаб, «Меъёрий ҳомиладорлик» Миллий клиник протоколига мувофиқ акушерлик ва перинатал асоратлар, хусусан, ПЭ ривожланиши бўйича хавф гуруҳидаги ҳомиладорларни гестация муддатининг $18^{+0}-20^{+6}$ ва $30^{+0}-34^{+6}$ ҳафталарида бачадон-плацентар қон оқимини ультратовуш доплерографияга юбориш зарур. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, худудий меъёрлар ишлаб чиқилди ва натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ҳомиладорликнинг 11-14- ҳафталарида бачадон артерияларида ПИнинг мос ёзувлар қийматлари

Ҳомиладорлик даври(ҳафта)	5-процентил	Медиана (50-процентил)	95-процентил
$11^{+0}-11^{+6}$	1,09	1,85	2,65
$12^{+0}-12^{+6}$	1,03	1,79	2,55
$13^{+0}-13^{+6}$	0,99	1,74	2,49
$14^{+0}-14^{+6}$	0,92	1,68	2,45
$15^{+0}-15^{+6}$	0,87	1,66	2,38
$16^{+0}-16^{+6}$	0,85	1,62	2,34
$17^{+0}-17^{+6}$	0,80	1,52	2,30
$18^{+0}-18^{+6}$	0,74	1,50	2,22
$19^{+0}-19^{+6}$	0,71	1,48	2,10
$20^{+0}-20^{+6}$	0,71	1,48	2,0
$21^{+0}-21^{+6}$	0,70	1,43	1,90
$22^{+0}-22^{+6}$	0,68	1,36	1,81
$23^{+0}-23^{+6}$	0,65	1,33	1,74
$24^{+0}-24^{+6}$	0,62	1,26	1,64
$25^{+0}-25^{+6}$	0,60	1,18	1,51
$26^{+0}-26^{+6}$	0,59	1,17	1,42
$27^{+0}-27^{+6}$	0,58	1,15	1,37
$28^{+0}-28^{+6}$	0,58	1,08	1,30
$29^{+0}-29^{+6}$	0,56	1,09	1,18
$30^{+0}-30^{+6}$	0,55	1,07	1,12
$31^{+0}-31^{+6}$	0,54	1,0	1,02
$32^{+0}-32^{+6}$	0,53	0,97	0,98
$33^{+0}-33^{+6}$	0,52	0,96	0,95
$34^{+0}-34^{+6}$	0,50	0,95	0,90

Маълумки, ПИнинг кўрсаткичлари АБнинг беқарор кўрсаткичлари мавжудлигига боғлиқ бўлиб, гипертония ва гипотонияда ҳам худди шундай. Кўплаб илмий тадқиқотларда ПЭ ривожланишининг хавф омилларидан бири

сифатида артериал гипертензиянинг мавжудлиги исботланган. Шунинг учун биз томонимиздан АБдан келиб чиқиб, ПИнинг кўрсаткичлари таҳлил этилган.

365 нафар аёл АБ кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2 та гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳга гестациядаври 11-14-ҳафта бўлган 91 нафар ҳомиладор аёл киритилган, уларда АБ 90/60 мм.сим.устдан 119/79 мм.сим.устгача бўлган; 2-гуруҳга гестация даври 11-14-ҳафта бўлган 274 нафар ҳомиладор аёл киритилган, уларда қон босими 120/80 мм.сим.устдан 130/90 мм.сим.уст чегарасида бўлган. Олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотлардан кўринадикки, 1-гуруҳдаги ҳомиладорларда ПИнинг кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлди, лекин референс қийматлар чегарасидан чиқмаган, бироқ кўп ҳолатларда уларнинг қуйи чегараларига етар эди ($1,68 \pm 0,054$; $P > 0,05$ га қарши $1,38 \pm 0,038$).

4-жадвал

Биринчи триместрда артериал босим қийматларига боғлиқ равишда ПЭ хавфи паст бўлган ҳомиладорларда бачадон артериялари ПИ кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Ўнг бачадон артерияси				Чап бачадон артерияси			
	Ўртача кўрсаткич (мин-мах)	5%	50%	95%	Ўртача кўрсаткич (мин-мах)	5%	50%	95%
1-гуруҳ	$1,38 \pm 0,038$ (0,89-2,01)	0,89	1,44	2,01	$1,23 \pm 0,051$ (0,81-1,89)	0,81	1,35	1,89
2-гуруҳ	$1,68 \pm 0,054$ (1,04-2,48)	1,04	1,76	2,50	$1,53 \pm 0,048$ (0,85-2,33)	0,85	1,59	2,33

2-гуруҳдаги ҳомиладорларда ПИнинг қийматлари юқори чегара кўрсаткичларига яқинлашиш тенденциясига эга референс қийматлар оралиғида бўлган. Корреляцион таҳлилда аниқландикки, $r=0,835$ 1-гуруҳ учун ва $r=0,748$ – 2-гуруҳ учун тўғридан тўғри ижобий боғлиқлик мавжуд.

Олинган маълумотлар асосида тахмин қилиш мумкинки, АБнинг паст кўрсаткичлари аёлларда ҳомиладорликкача ПЭ ривожланиши хавфи омили бўлиши мумкин, чунки ҳомиладорликнинг 1-триместрида АБнинг 120/80-130/90 мм.сим.уст меъерий кўрсаткичларгача кўтарилиши артериал гипертензиянинг мавжудлигидан дарак беради. Мазкур хулоса ишнинг кейинги босқичларида исботланган.

РАРР-А, РLGF ва ИХГ биокимёвий кўрсаткичлар ўзгариши характери ва қонуниятини ўрганиш мақсадида: меъерий ривожланувчи ҳомиладорликда, ПЭ ривожланиши хавфи паст бўлган 11+0 дан 13+6 ҳафтагача даврдаги 365 нафар ҳомиладор аёлнинг биокимёвий кўрсаткичлари ретроспектив таҳлили амалга оширилди.

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида РАРР-А, РLGF ва ИХГ концентрациясининг тақсимланиши 5-жадвалда кўрсатилган.

Гестация давридан келиб чиққан ҳолда ҳомиладорликнинг физиологик кечишида PAPP-A, PLGF ва ИХГ кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи

№	Гуруҳлар	PAPP-A МоМ	PLGF МоМ	ИХГ МоМ
1	11+0-11+6	1,46±0,63	1,43±0,60	1,8±0,47
2	12+0-12+6	1,41±0,64	1,40±0,58	1,44±0,40
3	13+0-13+6	1,38±0,46*	1,32±0,48*	1,31±0,34*

Изоҳ: *-гестация даври 11+0-11+6 ҳафта ($P<0,05$) бўлган ҳомиладорлар кўрсаткичларига доир маълумотлар ишончли.

Биокимёвий маркерларни ўрганаётганда, ҳомиладорликнинг 11-ҳафтасида PAPP-A, PLGF концентрацияси ўртача–1,46 МоМ, 12-ҳафтада -1,41 МоМ ва 13-ҳафтада – 1,38 МоМ, PAPP-A ва PLGFнинг рақамли қийматлари деярли фарқ қилмади, ИХГ концентрацияси 11-ҳафтада – 1,31 МоМ, 12-ҳафтада – 1,34 МоМ ва 13- ҳафтада -1,41 МоМ (Д. 0,08)ни ташкил этди.

Салбий корреляцияга эга бўлган PAPP–A ($p=-0.752$; $p<0.01$), PLGF ($p=-0.01$) ва PLGF ($P=-0.748$; $p<0.01$)лардан фарқли ўларок, ИХГнинг гестация даврига боғлиқ бўлган ($p = 0.752$; $p<0.01$) ижобий корреляцияси аниқланди.

Шундай қилиб, ИХГ ва PAPP-A кўрсаткичлари ҳомиладорлик биринчи триместри гестанцион даврига боғлиқ бўлади. Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, ҳомиладорликнинг 11⁺⁰ дан 34⁺⁶ ҳафтасигача бачадон артерияларида ПИнинг ишлаб чиқилган худудий мос референс қийматлари амалда кенгроқ фойдаланиш учун зарурдир, чунки улар бошқа мамлакатлар стандартларидан фарқ қилади, бу преэклампсия хавфини эрта ташхислашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳомиладорлик, туғиш ва тузатувчи терапия тактикасига таъсир қилади.

Диссертациянинг «**Преэклампсия ривожланиши хавфини эрта аниқлашда ультратовуш ва биокимёвий ташхислаш предикаторлари ва скрининг ташхислаш алгоритми**» деб номланган тўртинчи бобида ПЭнинг ривожланишида АД, бачадон артерияси ПИ, PAPP-A, PLGF, ИХГ ва AFP кўрсаткичларининг ўзига хос предикаторлари тақдим этилган.

Олинган маълумотлар асосида ПЭ ривожланиши хавфини эрта ташхислаш скрининг алгоритми ишлаб чиқилди.

Ҳомиладорларни кузатиш давомида бирламчи скринингга юборилган биринчи триместрдаги (11⁺⁰-13⁺⁶ ҳафта) 472 нафар ҳомиладор аёллар маълумотлари таҳлил этилди. Кўрик давомида ҳомиладорлар 2 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ ПЭ хавфи паст бўлган 365 нафар аёлдан иборат эди, 2-гуруҳни эса, ПЭ ривожланиши хавфи юқори бўлган 107 нафар ҳомиладор ташкил этди. Кузатиш давомида 68 нафар аёлда, яъни текширилганларнинг умумий сонидан 14,4%ида ПЭ ривожланганлиги аниқланди. ПЭли 68та аёлдан 10 таси касаллик хавфи паст бўлган гуруҳдан, 58 нафариди эса DELFIA-LifeCycle дастури бўйича ПЭ хавфи юқори бўлган гуруҳдан, демак, гуруҳлар бўйича мос ҳолда 2,7% ва 54,2%ни ташкил қилди.

Натижада, қиёсий таҳлил 3та гуруҳда ўтказилди: 1-гуруҳда DELFIA-LifeCycle дастури бўйича ПЭ сиз, хавфи кам бўлган 355 нафар ҳомиладор, 2-гуруҳни эса, DELFIA-LifeCycle дастури бўйича ривожланиш хавфи юқори бўлган ПЭсиз 49 нафар аёл ташкил этди ҳамда 3-гуруҳни кузатилаётган ПЭ ривожланган 68 нафар ҳомиладор ташкил этган.

Гестациянинг 11⁺⁰-13⁺⁶ ҳафтасидаги скринингда ҳомиладорлар АДни ўлчаш, вазн, бўй, биокимёвий (PAPP-A, PLGF, ИХГ) ва ультратовуш доплеромеретрик бачадон артерияси ПИни назарда тутган ҳолда чуқур текширувлардан ўтказилади. Ҳомиладор аёлларда ПЭ ривожланишининг хавф омилларидан бири уларнинг ёши эди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ПЭ ривожланиш хавфига қараб ҳомиладор аёлларнинг характерли ёш даражаси аниқланди, шунинг учун 1-гуруҳга - 25 ёшдан кичик аёллар (49,3%; ўртача ёш 26,8±1,2 ёш; $\chi^2=8,526$; $p<0,05$), 2-гуруҳга - 30 ёшдан катта аёллар (78,2%, ўртача ёш – 32,3±2,6 ёш; $\chi^2=7,352$; $p<0,05$), 3-гуруҳда ўртача ёш 36,5±2,3 ёш, 35 ёшдан катта аёллар эса 55,9% ҳолатда учраган ($\chi^2=6,742$; $p<0,05$). Анамнестик ва соматик маълумотларнинг қиёсий таҳлили б-жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 3-группа аёлларида б-жадвалда кўрсатилган барча омиллар кўп учраган: ПЭ и АФС бўйича наслдан наслга ўтиш ($\chi^2= 12,351$; $P<0,01$), ПЭ ва АФС анамнезда ($\chi^2= 14,21-16,32$; $P<0,001$), ТВИ 25 кг/м² дан юқори ($\chi^2= 18,11$; $P<0,001$), такрор туғувчилар ($\chi^2= 8,11$; $P<0,05$), артериал гипертензиянинг мавжудлиги ($\chi^2= 17,61$; $P<0,001$) ва ҚД 1 ва 2 тури соматик мақомда учраши ($\chi^2= 11,57$; $P<0,01$).

6-жадвал

Ҳомиладорларда 1-триместрда ПЭ ривожланиши хавфининг анамнестик ва соматик омиллари

Параметрлари	1-гуруҳ, n=355		2-гуруҳ n=49		3-гуруҳ, n=68		χ^2 к 1-гуруҳ, P<
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	
ПЭ и АФС бўйича наслдан наслга ўтиш	2	0,6	12	24,5	35	51,5	$\chi^2= 12,351$; $P<0,01$
ПЭ анамнезда	0	0,0	11	22,4	32	47,1	$\chi^2= 14,21$; $P<0,001$
АФС анамнезда	0	0,0	9	18,4	28	41,2	$\chi^2= 16,32$; $P<0,001$
ТВИ 25 кг/м ² дан юқори	3	0,8	12	24,5	45	66,2	$\chi^2= 18,11$; $P<0,001$
Такрор туғувчилар	105	29,6	35	71,4	59	86,8	$\chi^2= 8,11$; $P<0,05$
Артериал гипертензиянинг мавжудлиги	8	2,3	27	55,1	46	67,6	$\chi^2= 17,61$; $P<0,001$
ҚД 1 ва 2 тури	0	0,0	2	4,1	6	8,8	$\chi^2= 11,57$; $P<0,01$

Ҳомиладорликнинг физиологик кечишида биофизик кўрсаткичлар ва ПЭ ривожланиши хавфи юқори бўлганда қиёсий баҳолаш 7-жадвалда келтирилган ўзига хос фарқларни аниқлаш имконини берди.

7-жадвал

Тадқиқот гуруҳлардаги ҳомиладорларнинг артериал босим кўрсаткичлари

Артериал босим кўрсаткичлари	1-гуруҳ n=355	2-гуруҳ n=49	3-гуруҳ n=68
СҚБ, мм.сим, уст.	119,8±12,5	139,6±10,4*	147,8±11,6**
ДҚБ, мм.сим, уст	70,6±8,2	85,9±6,8*	95,6±8,7*,^
120/80 мм.сим.устдан паст	91 (25,6%)	2 (4,1%)**	0,0 (0,0)
120/80-130/90 мм.сим.уст	174 (49,0%)	21 (42,9%)	10,0 (14,7%)*, ^^
130/90 мм.сим.устдан юқори	90 (25,4%)	26 (53,1%)	58,0 (85,3%)*, ^

Изоҳ: *-1-гуруҳ кўрсаткичлари маълумотлар ишончли (*-P<0,05;**-P<0,01); ^-2-гуруҳ кўрсаткичлари маълумотлар ишончли (^-P<0,05; ^^ - P<0,01)

Тадқиқот натижаларига кўра, САБнинг ўртача кўрсаткичлари 1-гуруҳда ўртача 119±12,5/70,6±8,2 мм.сим.уст., 2-гуруҳдаги ҳомиладорларда-139,6±10,4/85,9±6,8 мм.сим.уст., ПЭли ҳомиладорларда - 147,8±11,6/95,6±8,7 мм.сим.устни ташкил этган. Мазкур маълумотлардан кўринади, ПЭ ривожланиши хавфи юқори бўлган аёлларда, Liv cycle дастури маълумотларига кўра, ПЭ ривожланиши хавфи паст бўлган аёлларга (P<0,05) нисбатан АБнинг ошиши 1,2 баробарга юқори, ПЭли ҳомиладорларда эса, 1-гуруҳга нисбатан АБ 1.4 марта юқори ҳамда 2-гуруҳга нисбатан 1.2 марта юқори.

Шундай қилиб, ҳомиладорларда ПЭ ривожланиши хавфида АБнинг даражаси муҳим омил ҳисобланади. Бунда 130/90 дан юқори кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга ($\chi^2=29,224$; p<0,001). Бачадон артерияларидаги ПИ нинг кўрсаткичлари таҳлили биринчи скрининг (гестациянинг 11⁺⁰-13⁺⁹ ҳафтаси) ўтказилганда, 1-гуруҳдаги ҳомиладорларда ПИ ПИА ва ЧБА меъёрий даражада бўлган ҳамда 5 ва 50 перцентилга мувофиқ бўлган (8-жадвалга қаранг). 2-гуруҳда ПИ ЎБА ва ЧБАнинг ошиши 1-гуруҳга нисбатан 1,5 ва 1,6 марта бўлган, 3-гуруҳга (P<0,05) нисбатан 2 баробар паст.

8-жадвал

ПЭнинг ривожланишидан келиб чиқиб, текширувдан ўтказилган ҳомиладорларнинг гестацион муддатда 11+0-13+6 триместрдаги бачадон артерияларидаги ПИ нинг кўрсаткичлари

Гуруҳлар	ЎБА	ЧБА
1-гуруҳ, n=355	1,33 (0,99-1,65)	1,20 (1,0-1,35)
2-гуруҳ, n=49	1,93 (1,56-2,35)*	1,89 (1,46-2,25)*
3-гуруҳ, n=68	2,39 (1,63-3,15)**,^	2,28 (1,61-2,95)** ^^

Изоҳ: *-1-гуруҳ кўрсаткичлари маълумотлар ишончли(*-P<0,01; **-P<0,001); ^-2 ва 3-гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги маълумотлар ишончли (^ - P<0,01; ^^P<0,001)

ПЭ ривожланган ҳомиладорларда (3-гуруҳ) бачадон артерияси ПИда юқори кўрсаткичлар аниқланган, улар 1-гуруҳдан ($P<0,05$) 1,8 ва 1,9 мартга юқори бўлса, 2-гуруҳ кўрсаткичларидан ($P<0,05$) 1,2 баробар ортиқ бўлган.

Олинган маълумотлар гестациянинг илк даврларида ҳомиладорларда ПЭни башоратлаш мақсадида бачадон артерияси ПИнинг тақсимланиши диапазонини аниқлаш имконини беради.

Ҳомиладорлик меъерий кечаётган аёлларда ЎБА $1,33\pm 0,12$ ва ЧБА $1,20\pm 0,11$ бўлиши, DELFIA-LifeCycle дастури бўйича юқори хавфдаги ҳомиладорларда, лекин кузатувдаги ПЭсиз - $1,93\pm 0,13$ - ЎБАда ва $1,89\pm 0,15$ - ЧБАда оралиғида бўлса, ПЭ ривожланган аёлларда эса, мос равишда, $2,39\pm 1,4$ ва $2,28\pm 1,3$ бўлиши кузатилган.

Олинган маълумотлар асосида биз томонимиздан книнг ва ҳомиладорлик физиологик жиҳатдан меъерий кечаётган ҳамда ПЭ ривожланиши хавфи юқори бўлган ҳомиладорларга мувофиқ келувчи қийматлар ўртасидаги чегаралар ҳисоблаб чиқилди. Хусусан, ПЭ ривожланиши хавфи юқори бўлган ҳомиладорларда чегара $k=1,59$, ПИ $k=1,89$ га мувофиқ, ПЭ ривожланган ҳомиладорлар учун - $k=1,421$, ПИ $k=2,28$, соғлом ҳомиладорлар учун - $k=1,538$, ПИ $k=2,33$ га мувофиқ келади.

Кузатилган ҳомиладорлар бачадон артериялари ПИ нинг таклиф этилган чегара қийматларини қўллаш давомида олинган маълумотлар таҳлилида шу нарса тасдиқландики, 472 нафар ҳомиладор орасида 68 нафарида ПЭ ривожланган, 404 нафар эса ҳомиладорлик ПЭ белгиларисиз кечган.

472 нафар ҳомиладор аёллар орасидан бачадон артерияси ПИ кўрсаткичлари 77,3%ида (472 нафар ҳомиладордан 365 нафарида) ЎБА бўйича 0,94 дан 2,13гача ва ЧБА бўйича 0,92 дан 2,10 гача оралиқда бўлган, бу меъерий қийматларга мос келади; 22,7% ҳолатда (472 нафар ҳомиладордан 107 нафарида) ЎБА бўйича 1,56 дан 2,35гача ва ЧБА бўйича 1,46 дан 2,25гача оралиғида бўлиб, бу ПЭнинг юқори хавфига мос, ПЭ ривожланган ҳолатда-ЎБА бўйича 1,65 дан 3,15 гача ва ЧБА бўйича 1,61дан 2,95гача оралиғида. Натижада, ҳақиқий ижобий натижа 413 ҳолатда олинган, ёлғон ижобийси – 10 та ҳолатда, ҳақиқий салбий натижа – 58 та, ёлғон салбий натижа – 49 та ҳолатда олинган. Олинган маълумотларга мувофиқ, ташхислашнинг ўзига хослиги – 87,5%, ташхислашнинг таъсирчанлиги – 95,0%, ташхислаш самарадорлиги – 91,3%ни ташкил этди.

Биокимёвий кўрсаткичлар қиёсий таҳлилининг кўрсатишича, гестациянинг 11+0-13+6 ҳафталарида ҳомиладорлар скринингида 2 ва 3-гуруҳларда ИХГнинг ошиши негизида РаРР-А ва PLGFнинг пасайиши кузатилди (9-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, 2 ва 3-гуруҳларда РаРР-Анинг 3,0 марта ва соғлом ҳомиладорлар (1-гуруҳ) кўрсаткичларига нисбатан 4,4 мартага пасайиши кузатилган ($P<0,001$). Шу каби кўрсаткичлар PLGF даражаси таҳлилида ҳам кузатилиб, ҳомиладорларда ПЭнинг юқори хавфида 1-гуруҳга нисбатан пасайиши 4,7 марта ($P<0,001$), ПЭ ривожланган ҳомиладорлар гуруҳида эса - 7,6 марта ($P<0,001$). ИХГ кўрсаткичлари ишончли равишда 2 ва 3-гуруҳларда 1,4 ва 1,5 мартага ошган ($P<0,001$).

**ПЭнинг ривожланишига кўра кузатувдаги ҳомиладорларнинг 11+0-13+6
гестация даврдаги биокимийвий кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	PAPP-A	PLGF	ИХГ
1-гуруҳ, n=355	1,42±0,06	1,33±0,07	1,71±0,30
2-гуруҳ, n=49	0,48±0,08*	0,29±0,05*	2,51±0,28*
3-гуруҳ, n=68	0,32±0,04*,**	0,18±0,04*,**	2,65±0,23*,**

Изоҳ: *-1-гуруҳ кўрсаткичларига маълумотлар ишончли ($P<0,001$); ** - 2 ва 3-гуруҳ кўрсаткичлари ўртасидаги маълумотлар ишончли ($P<0,01-0,001$).

Ҳомиладорлик меъёрий кечувчи аёллар учун PAPP-A қийматлари диапазони 1,04±0,01-1,82±0,02 МоМ оралиғида, DELFIA-LifeCycle дастури бўйича юқори хавфдаги ҳомиладорлар, лекин кузатув динамикасида ПЭсиз 0,45±0,05-0,53±0,012 чегарасида, ПЭ ривожланган ҳомиладорларда эса 0,11±0,002 – 0,49±0,003 МоМни ташкил этган. к кўрсаткичини ҳисоблашда қуйидаги натижалар олинди: 1-гуруҳ учун PaPP-Aк–1,785; 2-гуруҳ учун-PaPP-Aк – 1,985; 3-гуруҳ учун - PaPP-Aк – 2,385.

Ҳомиладорлик меъёрий кечувчи аёллар учун PLGF қийматлари диапазони 0,82±0,01-1,83±0,02 МоМ чегарасида, DELFIA-LifeCycle дастури бўйича юқори хавфдаги ҳомиладорлар, лекин кузатув динамикасида ПЭ сиз– 0,15±0,06-0,43±0,12 чегарасида, ПЭ ривожланган ҳомиладорларда эса, 0,05±0,002 – 0,37±0,003 МоМ.

к кўрсаткичини ҳисоблашда қуйидаги натижалар олинди:1-гуруҳ учун-PLGFк – 2,589; 2-гуруҳ учун - PLGFк – 2,485; 3-гуруҳ учун - PLGFк – 2,574.

